

## Шартнома № 4

“20” июн 2022 йил

Мингбулок тумани

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Мингбулок тумани Тиббиёт бирлашмаси номидан иш кўрувчи Ш.Ахмедов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган УП МУКАММАЛ ҚУЛАЙ ҚУРИШ ВА ТАМІРЛАШ” МЧЖ номидан иш кўрувчи иккинчи томондан Ю.Боййигитов пудрат шартномасини туздилар.

### I. Шартнома предмети

1. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича Мингбулок тумани Тиббиёт бирлашмаси поликлиникалардан узок чека ҳудудларда жойлашган контейнерларни жорий таъмирлаш ишларини бажариш ва лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш мажбуриятини олади. “Буюртмачи” эса “Пудратчи”га шартномага мувофиқ хизмат кўрсатиш учун зарур шароитлар яратади, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. Умумий шартлар

1. Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) ёки бошқа харажатлар “Пудратчи” ва “Буюртмачи” билан ўзаро тасдиқланган Ф-3 асосида ҳисобга олинади ҳамда тўлов учун тақдим этилади.

2. Хизматларни бажариш учун “Буюртмачи” “Пудратчи”га иш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.

3. Бажарилган ишлар далолатномаси ҳар ойнинг 25 кунигача “Пудратчи” томонидан “Буюртмачи”га тақдим этилади ва “Буюртмачи” томонидан тасдиқланади.

4. “Буюртмачи” “Пудратчи”дан бажарилган ишларнинг миқдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета ҳужжатларига тўғри келмаса, “Пудратчи” камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

### III. Пудратчининг мажбуриятлари

1. Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.

2. “Буюртмачи”ни пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома предмети, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш.

3. Қурилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, ўтказилган дарахтни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.

4. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун “Буюртмачи” олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

### IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

1. “Пудратчи” томонидан қабулқилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш ва “Пудратчи”дан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш.
2. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни давомида “Пудратчи”га ишларни қабул қилиш учун зарур ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш.
3. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади.

## **V. Тўловлар ва ҳисоб–китоблар**

1. Шартнома баҳоси **138 523 551 (Бир юз уттиз саккиз миллион беш юз йигирма уч минг беш юз эллик бир)** сўмни ташкил қилади.
2. Тўлов “Буюртмачи”нинг харажатлар сметасида ажратилган маблағлар ҳисобидан пул ўтказиш йўли билан тўлаб берилади.
3. “Буюртмачи” “Пудратчи”га шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида 30 (ўттиз) фоиз **41 557 065,30** сум миқдорида аванс ўтказилади. Қолган тўловлар “Буюртмачи” билан “Пудратчи” ўртасида имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3)ларга асосан 10 (ўн) кун мобайнида “Буюртмачи” томонидан амалга оширилади.
4. Шартнома бўйича “Пудратчи” хизматларни шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кун мобайнида тўлиқ бажаради.
5. “Пудратчи” объект топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект “Буюртмачи”га топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи “Пудратчи”нинг зиммасида бўлади. “Буюртмачи” мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда, “Пудратчи” бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда “Буюртмачи”нинг ёзма равишда хабардор қилган ҳолда шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## **VI. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

1. “Пудратчи” объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
2. Бажарилган иш учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “Буюртмачи” “Пудратчи”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
3. Пеня тўлаш “Пудратчи”нинг ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

## **VII. Низоларни ҳал этиш тартиби**

1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал эта олмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади

## **VIII. Шартноманинг амал қилиши**

1. Шартнома томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.
2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.
3. Ушбу шартнома Мингбулок тумани бўйича Ғазначилик бўлимигадан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради.

### **IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай тўлиқ ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

### **X. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТАЛАБЛАРИ.**

**10.1.** Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қондаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

### **XI. Алоҳида шартлар**

1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

2. “Пудратчи” қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини “Буюртмачи”нинг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ва ҳудудий ғазначилик бўлимигадан рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

4. Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишлар учун лойиха-смета ҳужжатлари “Буюртмачи” томонидан тайёрлаш ва тўлаш имконияти бўлмаса, “Пудратчи” томонидан тайёрланади, “Буюртмачи” “Пудратчи”га лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун қилинган сарф-харажатларни тўлаб беради.

5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун нормалари қўлланилади.

6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилади.

7. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

### **XI. Томонларнинг реквизитлари ва юридик манзиллари.**



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA

№ XW76543523

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

Pudrat ishlari bo'yicha shartnoma ("MUKAMMAL QULAY QURISH VA  
TA'MIRLASH" UK bilan 138 523 551 so'mlik shartnoma)

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Mingbuloq tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab  
chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil 17-iyunda  
kiritilgan.

Shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga, Fuqarolik kodeksi va  
"Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi  
Qonunga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i



A.Mamadaliyev

17.06.2022 y.



Yundik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MUKAMMAL QULAY QURISH VA TA'MIRLASH" Unitar korxonasi

(Yundik shaxsning — tadbirkorlik subyektlari tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"MUKAMMAL QULAY QURISH VA TA'MIRLASH" UK

(Yundik shaxsning qisqartirgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

09.03.2021

961934

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308274674

Tashkiliy-huquqiy  
shakli

Unitar korxonasi

Joylashgan joyi


Namangan viloyati, To'raqo'rg'on tumani, To'raqo'rg'on, Turkiston MFY,  
Namangan ko'chasi, 26-uy,

Guvohnoma

Namangan viloyati, To'raqo'rg'on tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



## МУХОКАМА АХБОРОТИ

“ 16 ” июнь 2022 йил

Мингбулок туман

Наманган вилояти ҳудудидаги Мингбулок туман Тиббиёт бирмашмаси томонидан 2022 йил “9” июндаги № 102636 сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури буйича Мингбулок туман тиббиёт бирлашмаси поликлиникалардан олис ва чекка ҳудудларга урнатилган контейнерларни жорий таъмирлаш буйича харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “УП МУКАММАЛ ҚУЛАЙ ҚУРИШ ВА ТА’МИРЛАШ” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокида энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади.

Юкоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди



Мингбулок ТТБ рахбари:

Бош ҳисобчи:

*Sh*

Ш.Ахмедов

М.Худайбердиева

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 102636 на приобретение Текущий ремонт временных медицинских приёмных пунктов в отдаленных районах Мингбулакского района Наманганской области согласно смете.**

Способ проведения электронный

Дата 16.06.2022

Время рассмотрения 16.06.2022 13:03

Конкурсная комиссия Мингбулок туман тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	AXMEDOV SHUXRAT OLIMOVICH	ТТБ рахбари	ТТБ комиссия раиси
<b>Секретарь комиссии</b>	NAJIMOV ISROILJON XOSHIMJONOVICH	Кординатор	ТТБ комиссия аъзоси
<b>Член комиссии</b>	KURONOV ILXOMJON USUBJONOVICH	Инженер	Комиссия аъзоси
<b>Член комиссии</b>	AXMEDOV FARXOD JAKBARALIYEVICH	КУК раиси	Комиссия аъзоси
<b>Член комиссии</b>	UMAROV SODIK ESHANKULOVICH	Иктисодчи	комиссия аъзоси
<b>Член комиссии</b>	RAXMANOV MAMURJON MO'MINJONOVICH	Хужалик мудири	Комиссия аъзоси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.06.2022 года № лота 102636.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	138 523 551.00
Стартовая сумма	138 523 551.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Гарантийное письмо о сокращении срока выполнения данной услуги (сжатые сроки не должны влиять на качество работы)

Тип: Числовое значение

Описание: Гарантийное письмо

Обязательность: Не критично

Требование заказчика: В диапазоне: лучше – меньше: от 15 до 30 дней

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО SERQIRRA TA'MIR QURILISH</b>	20	20	13.75	Системная		
<b>УП MUKAMMAL QULAY QURISH VA TA'MIRLASH</b>	20	15	20	Системная		

Критерий №2 По спецификации Заказчика

Тип: Текстовое значение

Описание: документы

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО SERQIRRA TA'MIR QURILISH</b>	15	По спецификации Заказчика	15	Экспертная		
<b>УП MUKAMMAL QULAY QURISH VA TA'MIRLASH</b>	15	Хужжат	15	Экспертная		

Критерий №3 Наличие техники и механизмов использующие на донном объекте

Тип: Текстовое значение

Описание: Гарантийное письмо

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО SERQIRRA TA'MIR QURILISH</b>	15	техники и механизм	15	Экспертная		
<b>УП MUKAMMAL QULAY QURISH VA TA'MIRLASH</b>	15	Техника ва механизмлар руйхатлари	15	Экспертная		

Критерий №4 Наличие квалифицированных специалистов

Тип: Текстовое значение

Описание: Информация об участнике

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО SERQIRRA TA'MIR QURILISH</b>	10	Наличие квалифицированных специалистов	10	Экспертная		
<b>УП MUKAMMAL QULAY QURISH VA TA'MIRLASH</b>	10	ишчилари тўғрисида маълумот	10	Экспертная		

Критерий №5 Список аналогичных объектов за последние 3 года

Тип: Текстовое значение

Описание: Список организаций,

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО SERQIRRA TA'MIR QURILISH</b>	20	объектов за последние 3 года	20	Экспертная		
<b>УП MUKAMMAL QULAY QURISH VA TA'MIRLASH</b>	20	Иш тажрибаси бириктирилган файлда	17	Экспертная		

Критерий №6 По спецификации Заказчика

Тип: Текстовое значение

Описание: Информация об участнике

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО SERQIRRA TA'MIR QURILISH</b>	20	Информация об участнике	20	Экспертная		
<b>УП MUKAMMAL QULAY QURISH VA TA'MIRLASH</b>	20	Иштирокчини малумотлар бириктирилган файлда	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>УП MUKAMMAL QULAY QURISH VA TA'MIRLASH</b>	138 523 551.00	138 523 551.00	15.06.2022 16:20:38	10.00
<b>ООО SERQIRRA TA'MIR QURILISH</b>	138 523 551.00	138 523 551.00	15.06.2022 15:35:12	10.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>УП MUKAMMAL QULAY QURISH VA TA'MIRLASH</b>	87.3	10	97.3
<b>ООО SERQIRRA TA'MIR QURILISH</b>	84.375	10	94.375

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 102636 от 16.06.2022 года на приобретение Текущий ремонт временных медицинских приёмных пунктов в отдаленных районах Мингбулакского района Наманганской области согласно

смете. определила победителем:

УП МУКАММАЛ ҚУЛАЙ ҚУРИШ ВА ТА'МИРЛАШ  
308274674

и резервный исполнитель: ООО SERQIRRA TA'MIR QURILISH (303834573)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	AXMEDOV SHUXRAT OLIMOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	UMAROV SODIK ESHANKULOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	AXMEDOV FARXOD JAKBARALIYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	RAXMANOV MAMURJON MO'MINJONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП